

Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ

УЙГА ХАТЛАР

БИРИНЧИ ХАТ

Салом, азиз ва севикли хотинжоним!
Яхши етиб келдим, аъло жойлашдим. Бу ерлар жуда обод, кўркам жойлар экан. Юрагим безовта қилмаяпти. Фақат бир нарса мени ҳайрон қолдирди. Эрталаб беш-олти одам қаторида навбатда турган эдим, бир киши ҳеч кимга қарамай, навбатсиз ишини битириб кетди. Кўзларимга ишонмадим, анчагача ўзимга келолмай юрдим. Ҳа, майли, тасодиф бўлса керак.
Хайр, меҳрибоним.

ИККИНЧИ ХАТ

Салом, севикли хотинжоним!
Дам олишим ёмон бўлмаяпти. Баҳаво жойлар, табиати гўзал. Аммо... юрагим бир нарсага жуда ғаш бўлиб қолди. Кўчада чанқаб, газсув ичмоқчи бўлдим. Ишонасанми-йўқми, сотувчи аёл стакани пала-партиш чайса бўладими! Бу воқеа бўлганига мана олти соат ўтди, аммо кайфиятим ҳали ҳам жойига тушмади. Майли, ўзимни қўлга олишга ҳаракат қиламан.
Яхши етиб тур, жоним!

УЧИНЧИ ХАТ

Салом, хотинжон!
Мана, «дам олишим» ҳам давом этяпти. Кўчага кўп чиқаётганим йўқ. Кеча кўчада енгил автомашина қизил чироққа эътибор бермай ўтиб кетганини кўрдиму юрагимни ушлаб қолдим. Анчагача кўзим қоронғулашиб тур-

дим. Яхши ҳам ёнимда юрак дорим бор экан. Ҳозир хонада ётибману ўша машина кўз ўнгимдан кетмаяпти...
Хайр.

ТҮРТИНЧИ ХАТ

Салом, хотин!
Бугун юз берган воқеани сенга гапириб беришга тилим ожизлик қилади. Биринчи қаватда «химчистка» бор. Тушлик маҳали соат 14 дан 15 гача, деб катта қилиб ёзиб қўйибди. Аниқ эсимда: тўрт минут кам иккида ўша ерда эдим — эшикда қулф! Юрак-бағрим эзилиб кетди. Хонамга қамалиб олиб, ҳеч ким билан гаплашмаяпман. Овқатга ҳам қўл теккизганим йўқ. Чекишни бошлаб юбордим. Юрагим сал санчаяпти.

БЕШИНЧИ ХАТ

Хотин!
Бунга ортиқ чидай олмайман! Менда сабр қолмади! Лаънати дам олиш! Асабларим расво бўлди! Айтсам, барибир ишонмайсан. Бунақанги ҳурматсизлик, мазах қилиш... Автобусда бир жойга борган эдим. Машина тўхтади-да, шофёр... фақатгина олдинги эшикни очди. Орқда турганлар ҳам билетини кўрсатиш учун олдинга ўтишга мажбур бўлдилар... Бундай... Бундай... Юрагим санчиб қолди.

ТЕЛЕГРАММА

Ҳурматли Азиза Лаззатовна нуқта
Дам олиш уйига дарҳол етиб келишингизни сўраймиз нуқта
Эрингиз жуда ғалати аҳволга тушиб қолди нуқта
Бир йиғлаб бир кулади вергуль ҳеч ким билан гаплашмайди нуқта
Фақатгина гастронам вергуль сотувчи вергуль икки тийин вергуль қайтдим вергуль дея такрорлайди нуқта
Аҳволи оғир нуқта Бош врач нуқта